O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2006 йил 6 май, № 87 (3886) Шанба

МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ «УМИД НИҲОЛЛАРИ» СПОРТ ЎЙИНЛАРИ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

Қадрли фарзандларим!

Авваламбор, мана шу гўзал баҳор кунларида кўҳна ва саховатли Қашқадарё заминида жам бўлган сиз, азиз ўғил-қизларимни, сизларга омад тилаб турган устоз- мураббийлар, ота-оналар ва ёру-дўстларингизни "Умид ниҳоллари" спорт ўйинларининг тантанали очилиши билан чин қалбимдан самимий табриклайман.

Бугун сизлар каби минг-минглаб ўқувчи ёшларимизнинг азму шижоати, очиқ чеҳрасига боқиб, барчамиз вақтнинг қандай шиддат билан ўтаётганини, кўз ўнгимизда янги бир авлоднинг тобора кучга тўлиб, сафимизга кириб бораётганини чуқур ҳис этамиз ва беихтиёр кўнглимизда, қалбимизда қувонч ва ғурур туйғулари пайдо бўлади, мустақил ҳаёт кечираётган йилларимизда амалга оширган машаққатли меҳнатимиз зое кетмагани учун Яратганимизга шукроналар айтамиз.

Айниқса, илм-фан, маданият ва санъат, спорт соҳаларида ўз билим ва истеъдодини, куч ва имкониятларини амалда намоён этиб, дастлабки умидбахш марраларни қўлга киритаётган навқирон фарзандларимизни кўриб, эртанги кунимизга ишончимиз янада мустаҳкамланади.

Шу нуқтаи назардан қараганда, "Умид ниҳоллари" спорт ўйинларининг навбатдаги мусобақалари Қашқа воҳасида, буюк бобомиз соҳибқирон Амир Темур туғилиб вояга етган қадимий заминда ўтаётгани алоҳида рамзий маънога эга.

Айнан мана шу табаррук масканда тарбия топган, билим олган бу улуғ аждодимиз ўзининг беқиёс ақлзаковати, ноёб истеъдоди, юксак ҳарбий маҳорати, бунёдкорлик фазилатлари билан жаҳонга машҳур бўлган улкан салтанат бунёд қилиб, ўзбек номини улуғлаган ва унинг шуҳратини бутун дунёга тараннум этган.

Шунинг учун ҳам буюк Амир Темур авлодлари бўлмиш сиз, юртимизнинг азиз фарзандлари бобомизнинг бизларга қарата айтган — биз киммиз, қандай улуғ зотларнинг зурриёдимиз, бизнинг илдизларимиз нақадар чуқур, деган мазмундаги, бугун ҳам катта маъно ва ҳаётбахш кучга эга бўлган даъватини ҳеч қачон ҳеч қаерда унутмаслигингизни истардим.

Ва айни пайтда бу ҳикматли сўзлар сизларнинг орзу-ниятларингиз, интилиш ва ҳаракатларингизга қанот бериб, ўзгалар ҳавас қиладиган комил инсонлар бўлиб улғайишингизда доимо куч-қувват бахш этиши табиий, албатта.

Қашқадарё замини азал-азалдан кураги ерга тегмаган, мардлик ва ҳалолликни муқаддас ва олий қадрият деб биладиган ориятли полвонлари, довюрак баҳодирлари билан ҳамиша шуҳрат қозониб келади.

Бугун сизларнинг барчангиз қалбингизда зўр ҳаяжон, зафар иштиёқи билан бел боғлаб майдонга тушар экансиз, бу мусобақалар халқимизнинг том маънодаги умид ниҳоллари бўлган сиздек ёшларимиз учун катта синов ва шараф, шу билан бирга, улкан масъулият эканини, ўйлайманки, яхши англайсиз.

Азиз ўғил-қизларим!

Ҳозирги кунда юртимизда ёруғ келажакни ўйлаб, қатъият ва изчиллик билан амалга оширилаётган янгиланишлар, шу жумладан, таълим-тарбия соҳасини тубдан ўзгартириш ва самарасини ошириш бўйича қабул қилинган умуммиллий дастурларимиз авваламбор ягона бир мақсадни кўзда тутади. У ҳам бўлса, миллионлаб фарзандларимизнинг замон талабларига жавоб берадиган, жаҳон андозалари даражасида жиҳозланган, янгича қиёфа касб этиб бораётган мактабларда, илғор таълим стандартлари асосида, ҳеч кимдан кам бўлмаган шароитда билим ва тарбия олишини таъминлашдан иборат.

Мамлакатимиз тараққиётининг бугунги ва эртанги кунини белгилаб берадиган мана шу эзгу мақсад йўлида давлатимиз, жамиятимиз сиз, ёшлардан ҳеч нарсани — маблағ ва имкониятни ҳам, куч ва ҳаракатни ҳам асло аямайди.

Менинг даъватим — халқимизнинг ана шундай эътибори ва ғамхўрлигига ҳамиша муносиб бўлинг, жондан азиз Ватанимизни, унинг озодлиги ва мустақиллигини кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, ҳимоя қилишга қодир фидойи, баркамол инсонлар бўлиб етишишга интилиб яшанг.

Унутмангки, ота-оналарингиз, устоз-мураббийларингиз, бутун халқимиз сизларга ишонади, сизларни биз бошлаган буюк ишларнинг давомчилари, ҳаётдаги ҳақиқий таянчимиз ва суянчимиз деб билади.

Ишончим комилки, қизғин беллашувлар, адолат, ўзаро ҳурмат ва самимият руҳида ўтадиган, фарзандларимизнинг иродасини янада тоблашга, жамиятимизда соғлом турмуш тарзини мустаҳкамлашга хизмат қиладиган ушбу спорт ўйинлари ҳар бирингизнинг ҳаётингизда ёрқин ва ўчмас саҳифа бўлиб қолади.

Фурсатдан фойдаланиб, сизларга атаб мана шундай замонавий стадионлар, улкан спорт мажмуаларини барпо этган қўли гул қурувчилар, меъмор ва муҳандисларга, пудратчи ташкилотлар, саховатли ҳомийларга, бутун Қашқадарё аҳлига, бу олижаноб ишга ҳисса қўшган барча инсонларга ўз номимдан, халқимиз номидан чуқур миннатдорлик билдираман.

Сизларни бугунги байрам, бугунги шодиёна билан яна бир бор қутлар эканман, барчангизга сиҳат-саломатлик, қалбингиздаги эзгу интилишларингиз рўёбга чиқишини тилайман.

Доимо омон бўлинг, бахт ва омад сизларга ҳамиша ёр бўлсин, азиз фарзандларим!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.



Кеча Қарши шаҳрида «Умид ниҳоллари – 2006» спорт мусобақалари республика босқичининг тантанали очилиш маросими бўлди

ЁШЛИК ВА ШИЖОАТ ТАНТАНАСИ

Мамлакат мактаб ўқувчиларининг бу катта спорт байрамида Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятлардан келган 2002 спортчи иштирок этмоқда. Улар 4 кун давомида спортнинг 12 тури бўйича баҳс олиб борадилар. Голиблик шоҳсупасидан энг кучли, энг чаққон ва энг эпчил йигит-қизлар жой олишади.

«Умид ниҳоллари – 2006» спорт мусобақаларининг тантанали очилиш маросими Қарши шаҳрида янгидан қурилиб ишга туширилган Марказий стадионда бўлиб ўтди. Бу ўйингоҳ аҳолининг доимий равишда жисмоний тарбия машқлари билан шуғулланиши, ҳордиқ чиқариши учун мўлжалланган мажмуадир. 18200 томошабинга мўлжалланган стадион фақат «Умид ниҳоллари» мусобақалари қатнашчиларига эмас, шаҳар ва вилоят аҳлига ҳам катта совға бўлди. Мажмуанинг лойиҳа қиймати — 6 миллиард 816 миллион сўм. Умумий ҳудуди 13 гектардан ортиқ. Асосий футбол майдонидан ташқари, яна 8 та қўшимча футбол майдончалари ҳам бор. Шунингдек, ўйингоҳда меҳмонхона, 8 та спорт зали, мажлислар зали, алоҳида ошхоналар мавжуд. Икки қаватли томошабинлар минбарлари ранг-баранг пластмасса ўриндиқлар билан жиҳозланган. Югуриш йўлкаларига Германияда ишлаб чиқарилган махсус полиэтилен тўшамалар қопланган.

Марказий стадион мажмуи «Умид ниҳоллари—2006» мусобақаларига тайёргарлик жараёнида қуриб битказилган ягона иншоот эмас. Ўйингоҳ билан ёнма-ён «Олимпия заҳиралари» спорт коллежи қад ростлади. У ўзининг спорт мусобақаларини ўтказиш имкониятлари жиҳатидан намунавий тенгсиздир. Бундай дейишимизга асос бор. Коллеж ҳудуди 16 гектарни ташкил этади. 900 ўқувчига мўлжалланган ўқув корпуси, ёпиқ спорт манежи, ёпиқ сузиш ҳавзаси ва кўплаб спорт залларига эга бўлган мазкур масканда 20 дан ортиқ спорт турлари билан шуғулланиш учун барча имкониятлар мавжуд. Коллежга қарашли ёпиқ спорт манежи енгил атлетикага мослашган.

Бу ҳудудни қашқадарёликлар ҳақли равишда «Спорт шаҳарчаси» деб атамоқдалар. Чунки Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти, ахборот технологиялари коллежи ва «Нуристон» академик-лицейи ҳам шу ерда жойлашган бўлиб, улар ҳозирги замон талабига жавоб берадиган спорт иншоотларига эга. «Умид ниҳоллари» спорт ўйинларининг асосий мусобақалари ҳам шу масканларда ўтказилади.

Мусобақа иштирокчилари барча имкониятларга эга бўлган замонавий ётоқхоналарда истиқомат қилмоқдалар. Бунинг учун талабалар турар-жойлари тўлиқ капитал таъмирланиб, қайтадан жиҳозланди. Мусобақа қатнашчиларининг кўнгилли ҳордиқ чиқаришлари учун барча маданий-маиший шароитлар муҳайё.

Қашқадарёликлар «Умид ниҳоллари — 2006» спорт мусобақаларига шундай тайёргарлик кўрдилар. Бу спорт иншоотлари, ободончилик ишлари мусобақа қатнашчиларининг байрамона кайфиятига янада кўтаринкилик бахш этди. Улар мусобақаларнинг тантанали очилиш маросимига ана шундай руҳ билан келдилар.

Стадионга ташриф буюрган меҳмонлар, томошабинларнинг дилида ҳам, тилида ҳам бир гап: «Эртанги кунга ишонган халқигина бундай байрамларга қодир, бунинг учун Юртбошимизга минг раҳмат, мустақиллигимиз абадий бўлсин». Спорт иншоотларида ўрнатилган кўплаб кўргазмали воситаларда ҳам шундай шукрона сўзлари ўз ифодасини топган.

Дарҳақиқат, маънавияти юксак, жисмонан соғлом ёш авлодни тарбиялаб, вояга етказиш бугунги кунда давлатимизнинг устувор сиёсати-



га айланган. Шу мақсадда Президентимиз ташаббуси билан ёшларни узлуксиз спортга жалб этишнинг уч босқичли тизими яратилди. Жаҳоннинг бирор-бир мамлакатида бўлмаган бу эътибор ва ғамхўрликдан қалбларда ғурур, ифтихор жўш уради.

Соат **19.30.** Байрамона безатилган стадион узра чорлов мусиқаси янграйди. «Умид ниҳоллари — 2006» спорт мусобақалари республика босқичининг тантанали очилиш маросими бошланади. Майдонни ранг-баранг байроқ кўтарган спортчилар, оммавий саҳна қатнашчилари тўлдиришади. Майдонда «Ўзбекистон», «Умид ниҳоллари-2006», «Қарши — 2700» сўзлари пайдо бўлади. Қарши осмонини маёқлар шуъласи ёритади. Стадионга Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар терма жамоалари кириб келадилар. Иштирокчилар тантанавор сафга тизилишади.

Стадионга Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи ва «Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларининг байроғи олиб кирилади.

Қашқадарё вилояти ҳокими Н. Зайниев тўпланганларни катта спорт байрами билан қутлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Умид ниҳоллари – 2006» спорт ўйинлари иштирокчиларига йўллаган табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х. Султонов ўқиб эшиттирди. Юртбошимизнинг табригини тантана қатнашчилари гулдурос қарсаклар билан қутиб олдилар.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси садолари остида Ватанимиз байроғи ва «Умид ниҳоллари — 2006» байроғи кўтарилди. Стадионни тўлдириб турган спортчилар ва меҳмонлар кўлларини кўксига қўйиб энг севимли қўшиғимизга жўр бўлишди.

Стадионга «Умид ниҳоллари — 2006» спорт мусобақалари машъаласини кўтарган спортчилар кириб келадилар. Паркентдаги «Физика – қуёш» илмий ишлаб чиқариш марказида қуёш нуридан ўт олдирилган машъалани спортчилар 791 километр масофадан қўлма-қўл қилиб олиб келдилар. Тошкент, Сирдарё, Жиззах, Самарқанд вилоятлари ҳудудида бу рамзий оловни кутиб олиш ва кузатиш катта тантанага айланди. Машъалани стадион бўйлаб кўтариб ўтиш ва мусобақа оловини ёқиш Қашқадарёнинг машҳур спортчилари — дзюдо кураши бўйича икки карра Ўзбекистон чемпиони Бекзод Сатторов ва самбо кураши бўйича қизлар ўртасида Ўзбекистон биринчилиги ғолиби Хуршида Бобошевага насиб этди. Осмонни минглаб ранг-баранг шарлар тўлдирди, мушаклар отилди.

«Умид ниҳоллари — 2006» спорт мусобақалари қатнашчилари Президентимиз томонидан ёш авлодни баркамол қилиб тарбиялаш борасида кўрсатилаётган ғамхўрликка жавобан илм-фан чўққиларини ва касб-ҳунар сирларини сабот билан эгаллашга, спортда ўзлигини намоён этишда, она юртга содиқ фарзанд бўлишга қасамёд қилдилар.

Майдонни курашчи полвонлар, гимнастикачилар, акробатлар, боксчилар, футболчилар, теннисчилар тўлдиришади. Уларнинг кўргазмали чиқишларида мамлакатимизда спортнинг ҳамма турлари ривожланиб бораётганлиги, ёшларнинг ғайрат-шижоати ўз ифодасини топди.

Тантанали маросимга санъаткорларнинг чиқишлари ажиб зеб берди. Қашқадарё вилоятининг истеъдодли ёшлари ва мамлакат пойтахтидан келган таниқли санъаткорларнинг қўшиқларида Ватан, истиқлол, ёшлик мадҳ этилди.

«Умид ниҳоллари — 2006» спорт мусобақаларининг очилишига бағишланган тантанали маросимда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш. Мирзиёев иштирок этди.

Бўри НОРҚОБИЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

СУРАТЛАРДА: тантанали маросимдан лавҳалар.

Жамшид НОРҚОБИЛОВ олган суратлар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Ф А Р М О Н И

«Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида

Кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ҳамда фермерликни ривожлантириш, якка тартибдаги меҳнат фаолиятини, оилавий бизнес ва касаначиликни фаоллаштириш йўли билан янги иш ўринларини яратиш, айниқса, қишлоқ жойларда аҳоли кенг табақаларининг микромолиявий хизматлардан баҳраманд бўлишини таъминлаш учун молиявий маблағлар беришни янада кенгайтириш мақсадида:

1. «Тадбиркор» акциядорлик тижорат банки негизида «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида;

иловага мувофиқ, унинг акциядорлари таркиби ва устав сармоясини кўпайтириш тўғрисида «Тадбиркор» акциядорлик тижорат банки акциядорлари умумий йиғилишининг қарорига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Молия вазирлиги ва тижорат банкларининг таклифларига розилик берилсин.

«Микрокредитбанк» «Тадбиркор» акциядорлик тижорат банкининг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича, шу жумладан, мулкий, молиявий ва бошқа мажбуриятлари, шунингдек, юридик ва жисмоний шахсларнинг пул маблағлари сақланиши ҳамда ўз вақтида қайтарилишини кафолатлайдиган талабномалари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

2. Қуйидагилар «Микрокредитбанк»нинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик субъектларига, фермер ва деҳқон хўжаликларига ўзларининг ишлаб чиқариш фаолиятини мустаҳкамлаш ва кенгайтиришлари учун микрокредитлар бериш, кенг кўламдаги банк ҳамда консалтинг хизматлари кўрсатиш;

микрокредитлар бериш ҳамда микролизинг йўли билан микрофирмалар, оилавий бизнес ва касаначилик ривожланишини рағбатлантириш ва қўллаб- қувватлаш ҳисобига тадбиркорлик соҳаси кенгайишига кўмаклашиш;

қарз олувчи томонидан тақдим этиладиган бизнес-режани, унинг молиявий ҳолатини, кредитни тўлаш бўйича мажбуриятларни таъминлаш манбаларини синчиклаб таҳлил этиш асосида микрокредитларнинг қайтарилишини таъминлаш;

микрокредит бериш ва микролизинг бўйича хизматлар кўрсатишни кенгайтириш учун халқаро молия институтлари ҳамда етакчи хорижий банкларнинг имтиёзли кредитлари, инвестиция ва грантларини жалб этиш;

айниқса, қишлоқ жойларда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатиш учун қўшимча имкониятларни таъминлайдиган филиаллар ва мини-банклар тизими орқали молиявий инфратузилмани янада ривожлантириш.

3. Белгиланснинки, «Микрокредитбанк» минтақавий, асосан қишлоқ жойлардаги филиаллари ва мини-банклари тизими орқали:

тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун имтиёзли микрокредитларни йилига 5 фоиздан юқори бўлмаган фоиз ставкасида, энг кам иш ҳақининг 200 каррагача миқдорида 18 ойгача бўлган муддатга;

кичик бизнес субъектлари фаолиятини кенгайтириш ва айланма маблағларини тўлдиришга микрокредитларни Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасидан юқори бўлмаган ставка бўйича, энг кам иш ҳақининг 500 каррагача миқдорида 24 ойгача бўлган муддатга беради;

кичик бизнес субъектлари учун Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасининг 50 фоизидан юқори бўлмаган ставка бўйича, энг кам иш ҳақининг 200 каррагача миқдорида 3 йилгача бўлган муддатга имтиёзли микролизинг бўйича хизматлар кўрсатади.

Шу билан бирга, тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун илгари олган микрокредитини ўз вақтида ва тўлиқ қайтарган ҳамда у бўйича қўшилган фоизларни тўлаган тадбиркорлик субъектлари бизнесни ривожлантиришга кейинги микрокредитларни олиш ҳамда «Микрокредитбанк» хизматларидан фойдаланиш учун устунлик ҳуқуқига эга бўладилар.

4. «Микрокредитбанк» микрокредитларни расмийлаштиришда бюрократизм ва расмиятчилик ҳолларига йўл қўймасин. Шундай тартиб ўрнатилсинки, бунда қарз олувчи томонидан микрокредит олиш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар рўйхати фақат:

микрокредит олишга буюртманома; бизнес-режа; микрокредит қайтарилиши таъминланишини тасдиқловчи ҳужжатлар билан чекланади.

Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда Микрокредитлар бериш ва микролизинг хизматлари кўрсатиш тартиби тўғрисидаги мувақкат низомни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

5. Қуйидагилар «Микрокредитбанк» ресурс базасини шакллантириш манбалари этиб белгилансин:

акциядорларнинг банк устав сармоясини шакллантиришга йўналтирадиган маблағлари;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2007-2010 йиллар мобайнида Марказий банкнинг республика бюджети даромадига йўналтирадиган фойдаси ҳисобидан йиллик 2 фоиз ставка бўйича 10 йил муддатга 10 млрд. сўм миқдорида бериладиган ҳар йилги ссудалар;

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳузуридаги Бандликка кўмаклашувчи давлат жамғармасининг кредит линиялари.

6. Белгиланснинки, микромолиялаштириш шартномалари, шунингдек, гаров, кафолат шартномалари ҳамда микромолиялаштириш билан боғлиқ бошқа шартномаларни нотариал тасдиқлаш шартнома суммасининг 0,1 фоизи ставкаси бўйича амалга оширилади.

7. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки:

«Микрокредитбанк» филиалларининг Кредит ахборот миллий институтининг маълумотлар базасига киришини таъминласин ҳамда қарз олувчиларнинг кредит тарихи бўйича ўзининг маълумотлар базасини яратишда «Микрокредитбанк»ка ёрдам кўрсатсин;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги билан биргаликда халқаро молия институтлари ҳамда етакчи хорижий банкларнинг имтиёзли маблағлари, инвестиция ва грантларини жалб этишда «Микрокредитбанк»ка ёрдам кўрсатсин.

8. «Микрокредитбанк» 2011 йилнинг 1 январигача:

даромад (фойда) ва мулк солиқлари тўлашдан;

олиб келинадиган банк ускуналари ва технологиялари учун божхона тўловларидан (божхона расмийлаштириши учун йиғимлардан ташқари);

банк фойдасига ундирилган мулкни сотишда қўшилган қиймат солиғи тўлашдан озод қилинсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

10. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С.Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси Ф.М.Муллажонов зиммаларига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2006 йил 5 май.

9 МАЙ — *Хотира ва Қадрлаш куни*

Омон бўлсанг, унутма!

Бу дунёда тирикликдан ортиқ неъмат борми? Қувониш, кулиш, баъзида ҳаёт синовлари қаршисида довдираб, азият чекиш, ўтганларни эслаш ва ҳатто... унутиш ҳам фақат тирик инсонларгагина хос инстинктдир. Ўтган инсонларни хотирлаш уларнинг ичида энг улуғ савоблардан биридир. Биз шу даврга қадар ҳам ўтганлар руҳини эслаб келдик, уларнинг қабрларига гулчамбарлар қўйдик, номларини абадийлаштирдик. Аммо мамлакатимиз мустақил бўлиб, эркимиз ўз қўлимизга ўтгач, бу анъаналаримиз ўзгача мазмун ва маъно касб этди. Биз энди нафақат мархумларни бир зум эслаш, хотирлаш, балки улар босиб ўтган шонли йўлларнинг шуҳратини тиклаш, боболаримиз қолдирган барча маънавий ва маърифий меросни қадрлаш ҳамда уларнинг қадрига етишни ҳам ўргандик. Йиллар ва асрлар ғуборида қолиб кетган ганжиналаримизни кўзга суртдик. Эндиликда уларнинг ойдин нурлари йўлларимизни равшанлаштириб турибди.

Мамлакатимиз Президентининг ташаббуси билан 9 май — Хотира ва Қадрлаш куни деб эълон қилиниши ана шундай муборак ва хайрли ишларнинг бошланмаси бўлди. Бугунги кунда деярли ҳар бир шаҳар ва туманда Хотира майдонлари, фидойиликка қўйилган ҳайкаллар мавжуд. Ҳамюртларимиз ушбу кунда бу муқаддас қадамжоларни зиёрат қиладилар, ёшларга улар босиб ўтган мунаввар йўл ҳақида, қолдирган бебаҳо мерос хусусида ҳикоя қиладилар. Бу зиёбахш гўшалардаги гоҳи маҳзун, гоҳи қувноқ ҳикоялар бизни ўтмишга етаклайди, бугунги тинчлик ва эркинликнинг бебаҳо неъмат эканлигини англатади, миллат келажаги учун фидойиларча курашиш лозимлигини ўргатади. Токи тирик эканмиз, боболар жасоратини, момолар меросини унутишга ҳақимиз йўқ!

(Хотира ва Қадрлаш кунига бағишланган мақолалар туркумини газетамизнинг 2-саҳифасида ўқийсиз).

9 МАЙ

СИЗГА БУЛ ВАТАННИНГ ШАЪНУ ШАВКАТИ, ТАЪЗИМ, ЭҲТИРОМИ СИЗГАДИР ЭЛНИНГ!

Бу даргоҳдан сира одам оёғи узилмайди.
Бу даргоҳ ҳамиша гавжум.
Бу даргоҳга қадам ранжида қилишингиз билан қалбингизга қандайдир осойишталик чўкади. Тоғдай бардошини дард-ҳасратлар емира олмаган "Мотамсаро она" ҳайкали, миллионлар хотирасига шамчироқ бўлиб ёқилган "Мангу олов", авжланиб бораётган баҳор қуёшининг тафтида оҳиста тебранаётган турфа гуллар, вазминлик билан соғинч қўшиғи айтилаётгандай гўё.

ПОЙИНГИЗГА ГУЛЛАР ЯРАШГАЙ

Хотира сўзи, аслида, мустақиллик йилларида истеъмолга кирди, десак хато қилмаган бўламиз. Юртбошимизнинг: "Туғилиб ўсган юртида ўзини бошқалардан кам сезмай, бошини баланд кўтариб юриши учун инсонга, албатта, тарихий хотира керак", деган пурҳикмат сўзлари, 9 майни "Хотира ва Қадрлаш куни" деб эълон қилиш тўғрисидаги Фармони давлатимиз ва миллатимизнинг ҳаққоний тарихини яратишда мустаҳкам пойдевор вазифасини ўтаб келмоқда. Фармон эълон қилинган кундан бошлаб ўтган етти йил давомида 9 май умумхалқ байрами сифатида нишонланаётир.

— Хотира ҳамиша уйғоқ ва муқаддас, — дейди Учтепа тумани соғлиқни сақлаш бўлими бошлиғи Ферузахон Йўлдошева. — Ҳар йили байрам арафасида майдонга зиёратга келаман. Бугунги ёруғ кунларга етолмаган юртдошларимиздан биз кўп қарздорлигимиз ҳақида ўйлайман. Юртимизда ҳукмрон бўлган тинчлик ва эркинлик, миллатлараро тотувлик, барқарорлик, меҳнату машаққатлар эвазига қўлга киритилганлигини асло унутмаслигимиз керак. Шу юртда яшаётганлигимиз бахтимиз, бу бахтни кўз қорачиғидай асраб-авайлаш эса бурчимиздир.

Ўнта бўлса ўрни бошқа, қирқта бўлса қилиғи, деганларидек, халқимиз Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган ўғлонлари доғида кўп куйди. Уруддан сўнг 54 йил давомида уларни дунёнинг барча бурчакларидан излади. Худога айтгани бор экан, 1999 йилнинг 9 майида фарзандлари мана шу Хотира майдонида жам бўлишди. Девордаги китобларга ҳар бирининг исм-фамилияси ёзиб қўйилган.

Ҳомийлар ва шифокорлар йили арафасида Юртбошимиз пойтахтимизда амалга оширилган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишар экан, Ватанимизнинг бош майдонида қад кўтарган Бахтиёр она монументи пойига гулчамбар қўйди. Сўнгра мажмуани "Мустақиллик ва эзгулик монументи" деб номлашни таклиф этди. Назаримизда, "Мотамсаро она" уруш туфайли фарзандларидан ажралиб, уларнинг хотираси билан яшаётган, кейингиси эса жажжигина гўдагига меҳр билан термулиб, унинг осуда келажагидан дарак бериб турган ўзбегимнинг онасидир. Шунинг учун ҳам турмушнинг оғир-енгилини бошдан кечирган кайвонилар ҳар икки ёдгорлик пойида дуога қўл очсалар, ҳаётга эндигина кириб келаётган ёш келин-куёвлар гулдасталар тўшаб, ўзларига оқ фотиҳа сўрашади. Демоқчимизки, хотира орномус, виждон иши ва маънавий бурчга айланиб бормоқда.

Дарҳақиқат, хотира бор экан, халқ бор, миллат бор, келажак бор!

Г. ҲУСАНОВА,
"Халқ сўзи" мухбири.

ДАВРАМИЗНИНГ ТЎРИ СИЗНИКИ!

Заргарлик маҳалласида яшаётган Иккинчи жаҳон уруши фахрийси Худойберди бобо Худойқулов илк жангларини Москва остоналаридан бошлаганида ёшгина йигитча эди. Россия, Украинанинг ўнлаб шаҳарларини озод қилиш чоғида икки марта яраланди. Фашистларни Берлингача қувиб бориш ниятига етолмаган бўлса-да, Польшагача бўлган жангларда мардлик намуналарини кўрсатди. Учинчи бор яралангач, она юртига қайтишга мажбур бўлди.

— Мустақил юртимизда яшаётган ёшларимизга, Сизларга ҳавасим келади, — дейди отахон маҳалла ёшлари, Жиззахдаги ўқув юртлари ўқувчи ва талабалари билан бўлаётган учрашувларда. — Негаки, сизлар бугунги эркин ва ёруғ ҳаётни сақлаб қолган, бу йўлда қурбон бўлган фидойи инсонларни эъзозлаш, улар хотирасини абадийлаштиришдек савобли ишлар қилишга қодирсиз. Ота-боболар дуосини олганлар эса ҳеч қачон кам бўлмайди.

Отахон ўзларига кўрсатилаётган эътибор, ғамхўрликдан доимо миннатдор бўлиб гапиради. Рост-да, бир неча йилдирки, у шахсий қаровчиларига эга. Соғлиғи вилоят ИИБ поликлиникаси шифокорлари назоратида.

Бугунги ёшлар онгу шуурида ўтганларни хотирлаш, тирикларни қадрлашдек фазилатлар мустаҳкамланиб, муҳрланиб бораётгани қувончли. Қайси шаҳар, туманда бўлманг, уруш иштирокчилари, фронт орқасида хизмат қилганлар хотирасини улуғлаб ўтказилаётган учрашувлар, давра суҳбатлари, хотира турнирларининг устидан чиқасиз.

Хотирасиз эса ёркин келажакни тасаввур этиб бўлмайди. Порлоқ келажакка интилган халқ кечаги ҳаётидан, ўзи босиб ўтган оғир ва машаққатли кунлардан, тарих синовларидан керакли хулоса ва сабоқлар чиқариши зарур бўлади.

Вилоятда Хотира ва Қадрлаш куни олдидан фахрийларга кўрсатилаётган эҳтиром, уюштирилаётган тадбирлар ранг-баранг. Бугун-эрта 183 нафар уруш фахрийсининг хонадонига бориб, байрам билан табрикланади. Шаҳардаги Охунбобоев номли 6-мактабда, Жиззах олий ҳарбий авиация билим юртида авлодлар учрашуви ўтказилади. Жойларда фахрийларга Президент Фармонига биноан пул мукофотларини топшириш маросимларини тантанали ва байрамона вазиятда ўтказишда «Маҳалла», «Нуроний» жамғармалари, «Маънавият ва маърифат» маркази вилоят бўлими, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати фаоллари ташаббускорлик кўрсатишмоқда.

Энг асосийси, вилоятда истиқомат қилаётган 700 нафарга яқин уруш қатнашчиси, 8,5 минг нафардан зиёд фронт ортида меҳнат қилганларнинг барчаси элу халқ эъзозида.

Баҳриддин САТТОРОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Тинчлик барқарор бўлсин!

НАЗАРМАТ,
уруш ва меҳнат фахрийси:

— Уруш деганда одамларни ямламай ютадиган улкан бир махлуқ кўз олдимга келади. Мен уни ўз кўзим билан кўриб, унга қарши курашганлар сафида бўлганман. Жанг майдонларида қанчақанча дўстларимдан жудо бўлдим. Улар, нари борса, йигирма ёшда эдилар.

Ҳар йили Хотира ва Қадрлаш куни арафасида Хотира майдонига келиб, улар билан хаёлан суҳбатлашаман. Бизларга мана шундай имконият яратиб берган давлатимиз раҳбарига миннатдорчилигимиз чексиз. Байрам арафасида, Президентимиз Фармонига кўра, бизларни тақдирлашаётгани кўнглимизни тоғдек кўтарди.

Урушни бизлар кўрдик, фарзандларимиз ва набираларимиз сира кўрмасин.

Ҳаёт бир бор берилади

Олимжон МАЛЛАЕВ,
уруш ва меҳнат фахрийси:

— Урушнинг инсониятга келтирган офати ва даҳшатини сўз билан таърифлаб бўлмайди. Уруш ҳар бир хонадоннинг, ҳар бир оиланинг, ҳар бир юракнинг тинчини бузди, бахтини кемтик айлади. Шунданми ёки ўзим беш йил давомида қирғинбаротларни кўравериб чарчаганим учунми, уруш ҳақидаги киноларни кўришга асабим чидамайди.

Бугун дунёнинг қай бир бурчида рўй бериб турган урушларни телевидение орқали кўриб эса ёқамни ушлайман. Наҳотки, одамлар тинчгина яшашни исташмаса? Умр одамзотга бир марта берилади-ку. Наҳот, шуни ҳам уруш-жанжал билан ўтказиш лозим бўлса?

Тинч-тотув оилада хотиржамлик бўлганидек, тинчлик ва осойишталик учун курашаётган давлатларнинг ҳам келажаги порлоқ. Урушдан озор чеккан бир жабрдийда сифатида шуни унутмаслигимизни истардим.

Фахрийлар ҳузурида байрам



Хотира ва Қадрлаш куни арафасида Тошкент шаҳар ҳокимлиги касаба уюшмалари федерацияси билан ҳамкорликда яна бир хайрли ишга қўл урди. Пойтахтимиздаги Республика уруш ва меҳнат фахрийлари пансионатида байрам тадбири ташкил этилди. Бу ерда 180 нафарга яқин нуронийларнинг яшаши ва даволаниши учун барча шароитлар яратилганлиги кишига мамнуният бағишлайди. Шу куни бўлиб ўтган шодиёна, улашилган совға саломлару концерт дастурлари фахрийларимиз кўнглини тоғдек кўтарди.

— Мен Иккинчи жаҳон уруши ногиронман, — дейди Худойберган ота Икромов. — Ҳаётнинг кўп машаққатларини кўрдик. Навқирон пайтимда урушга кетганман. У кунларни эсласам, юрагим қайғуга ботади. Бугунги кунимизга, шодон кунларимизга етиб келганим учун Яратганга беадад шукроналар айтаман. Одамларимиз ҳамиша бу дамларни, тинчликнинг қадрига етиб яшашини истайман. Қаердаки, кексалар эъзозланиб, ночорлар ҳолидан хабар олинаяптими, демак, ўша маскан-да қут-барака бор, файз бор.

Кўнглимдан кечаётган яна бир гапни айтай. Мана, ўзимиздан қиёс. Пансионатимизда ҳамма қулайликлар бор. Ҳолимиздан тез-тез хабар олиб туришади. Президентимизнинг биздек уруш қатнашчиларини рағбатлантириш ҳақидаги Фармони дилимизни осмон қадар кўтарди. Бизни эъзозлаганлар ҳам эъзозда бўлсин, илоё!

А.САМАДОВ.

Бугунги ёшларга ҳавасим келади

Исомиддин ЭРБЎТАЕВ,
1-гуруҳ уруш ногирони:

— Ўн саккизда урушга кетганимни эсласам, ҳалигача даг-даг титрайман. Энг покиза фасл — ёшлигим, соғлиғим жанг майдонларида қолиб кетди. Ҳар гал жангга кириш олдидан юртимга қайтиб бориш насиб этармикан, деган ўйдан тинчим йўқоларди.

Бугунги ёшларга жуда ҳавасим келади. Уларнинг ўқиш ва ишлашлари учун барча шароитлар муҳайё. Замонавий ўқув қуроллари ва компьютерлар билан жиҳозланган мактаблар, коллежлар, академик лицейлар ва олий ўқув юртлари уларнинг ихтиёрида. Кўплари чет элларда таҳсил олишмоқда. Буларнинг барчаси тинчлик шарофатидандир. Зеро, тинчлик барқарор бўлган юртга қут-барака, бахт-омад ёғилаверади. Буни анграмоқ ва қадрламоқ барчамизнинг бурчимиздир.

Ўзбекистон Давлат консерваториясининг катта залида Ўзбекистон давлат Мадҳияси мусиқаси муаллифи, атоқли композитор, республикада хизмат кўрсатган санъат арбоби, "Элюрт ҳурмати" ва "Буюк хизматлари учун" орденлари соҳиби Мутал Бурҳонов таваллудининг 90 йиллигига бағишланган хотира кечаси ўтказилди.

Сўнмас наволар

Санъаткорнинг ҳаёти ва ижоди миллий маданиятимиз тараққиёти билан бевосита боғлиқ. Шунинг учун ҳам унинг сермазмун, таъсирчан куй-қўшиқлари, романс ва хорлари, камер-чолғу ва симфоник асарлари, саҳна ва кино мусиқаси бетакрор бадиий-мусиқий намуналар бўлиб, мумтоз маънавий қадриятларимиз қаторидан муносиб ўрин эгаллаган. Уларнинг ҳар бири, аввало, нафислиги, жозибадорлиги, халқчиллиги ҳамда ноёб оҳанглари билан дурдона асарлар сирасига киради. Бу дилкаш наволар тингловчини ажиб сеҳри билан ўзига ром этади. Айни пайтда самимий, ҳароратли ва фалсафий терандир. Айниқса, "Алишер Навоий" операси ва "Абадий хотира" реквиеми алоҳида ажралиб туради.

Тадбирда профессор Аҳмаджон Жабборов ўз сўзида ана шулар ҳақида тўхталиб ўтди. Республикада хизмат кўрсатган хор жамоаси, ЎзДК талабалари симфоник, халқ чолғулари, камер оркестрлари ва мусиқали театр-студиясининг хор жамоаси ижросида катта концерт дастури намойиш этилди. Шунингдек, устоз санъаткорлар Саодат Қобулова, Рустам Абдуллаев, Юнус Тўраев ҳамда Адиба Шариповалар ижросидаги қўшиқлар янгради.

Ўз мухбиримиз.

Заҳматлари зарга айланган олим



Фалсафа фанлари доктори, профессор Муталлиб Усмонов ҳақида гап кетганида, уни таниганлар-билганлар "Ажойиб инсон, иқтидорли файласуф ва ислом динининг билимдони эди", дея эслайдилар. Чиндан ҳам, олим фалсафа тарихи ва исломшунослик соҳасидаги йирик тадқиқотлари билан фанга салмоқли ҳисса қўшган. Ундан бизга 90 га яқин монография, рисола ва илмий мақолалар мерос бўлиб қолди. Ҳамкасблари, шогирдлари унинг хотирасини ҳамиша ҳурмат билан ёдга оладилар. Зеро, ортидан яхши ном қолдириш ҳаммага ҳам насиб этавермайди.

Бўлғуси олим илк меҳнат фаолиятини Избоскан туманидаги Охунбобоев номли колхозда котибликдан бошлаган эди. Кейинчалик туман ижроия қўмитасида ташкилий ва маданият бўлимларини бошқаради. Иккинчи жаҳон уруши тугаб, тирикчилик ишлари бироз изга тушганидан сўнг, у Ўрта Осиё Давлат университетининг (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети) шарқшунослик факультетига ўқишга кириб, 1952 йили имтиёзли битиргач, ўзи туғилиб ўсган туман ва Андижон вилояти газеталарида муҳаррир, маданият бошқармаси бошлиғи лавозимларида ишлайди. Бироқ қаерда ва қандай вазифада бўлмасин, илмга бўлган иштиёқ уни тинч қўймасди. Шундай қилиб, М.Усмоновнинг илмий фаолияти Ижтимоий фанлар академияси аспирантурасига кириши билан бошланади. У ўқиш давомида араб шарқида маҳаллий миллатчилик ғоялари, уларнинг ижтимоий илдизлари ва моҳиятини тадқиқ этиш билан машғул бўлади. Шу мавзуда номзодлик ишини ёқлайди.

Олимнинг ЎзР ФА Фалсафа ва ҳуқуқ институтида ишлаган йиллари алоҳида қимматлидир. У ўша пайтларда ислом тарихи билан жиддий ва чуқур шуғулланиб, илмий тадқиқотлар олиб боради. Ислом ва Қуръони каримнинг яратилиш тарихи ҳамда замонавий ислом масалаларининг тадқиқ этиш услублари ва йўналишларига бағишланган қатор мақолалари "Ислом дини тараққиётининг асосий босқичлари" мавзусидаги докторлик ишига замин яратди. Бундан ташқари, фалсафа тарихи, хусусан, мусулмон Шарқи фалсафаси тарихига оид илмий тадқиқотлар ҳам унинг қаламига мансубдир. У "Хорижий Шарқ халқларининг илғор ижтимоий-фалсафий фикрлари тарихи очерки" тўпламининг асосий муаллифларидан биридир. Олим араб тили, Шарқ фалсафаси ва Ислом динини яхши биларди.

М.Усмонов бир муддат Афғонистондаги элчихонада маслаҳатчи лавозимида ҳам хизмат қилди. 1989 йилнинг ноябрида Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида Қуръони каримнинг ўзбекча таржимаси ва академик нашрини тайёрлаш гуруҳи ташкил этилади ва уни раҳбарликка тайинлашади. Мазкур гуруҳнинг ташкил топиши мамлакатимизда исломшунослик фанига асос солиниши эди. Уч йиллик заҳматдан сўнг (1992 йилда) муқаддас китобнинг илмий-изоҳли академик таржимаси тайёр бўлди. Бироқ уни китоб ҳолида кўриш олимга насиб этмаган экан. Орадан ўн икки йил ўтгачгина, янги нашрнинг масъул муҳаррири ва бош таржимони таваллудининг саксон йиллиги арафасида фарзанди Элдор Усмоновнинг саъй-ҳаракати билан нашр этилди.

Забардаст файласуф ва шарқшунос 1991 йилдан умрининг охиригача ЎзР ФА Шарқшунослик институтида исломшунослик бўлимини бошқариш билан бирга, Президент девонида диний масалалар бўйича масъул вазифада ҳам ишлади. Таваллудининг 70 йиллиги арафасида Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи билан тақдирланган.

— Домла отамнинг яқин дўсти бўлганлиги сабабли, хонадонимизга тез-тез ташриф буюриб турарди, — дейди астроном олим Шуҳрат Эгамбердиев. — Баъзан отамнинг ишдан қайтишини биргалашиб кутиб ўтирган пайтларимизда у киши менга ибратли ҳикоятлар ва ривоятлар айтиб берарди. Катта Айиқ туркумидаги юлдузлардан бири (халқ тилида Чўмич юлдуз деб айтилади) гоҳ хира, гоҳ ёркин нур сочиб, ўзгариб турганлиги учун шайтон деб номланишини биринчи марта Муталлиб Аҳмедовичдан эшитганман.

* * *

Тошкентдаги "Яланғоч" қабристонидаги бир қабрдан сира одам оёғи узилмайди. Икки ўғил ва икки қиз қуршовида Пошшахон ая, ҳамкасблар, шогирдлар олимнинг руҳи покига тиловат қиладилар, қабр атрофига гуллар қўядилар. Зеро, яхшилар ёди ўчмасдир.

Гулчеҳра ЙЎЛДОШЕВА,
"Халқ сўзи" мухбири.

Муроса умидида...

Олдин хабар берганимиздек, Африка Иттифоқи ташаббуси билан Дарфурдаги жангарилар ва Судан ҳукумати ўртасида тинчлик музокаралари ўтказилган эди. Унинг иккинчи босқичи Нигерия пойтахти Абуджида бўлиб ўтди.

Музокаралар ярим тунга қадар давом этишига қарамасдан, томонлар бир келишувга эришмаганлар. Учта жангари гуруҳ тинчлик битимини имзолашдан бош тортган. Музокаларда АҚШ, Буюк Британия, Нигерия ва Конго Республикасидан юқори мартабали расмий вакиллар иштирок этишди.

Кўплаб кузатувчилар музокараларнинг ўтказилиши Дарфурдаги кескин вазиятнинг юмшашига олиб келиши мумкинлигини айтишмоқда. Судан ҳукумати исёнчилар билан тинчлик битими имзолашга тайёр эканлигини билдирмоқда. Бироқ исёнчилар битим шартларига розилик билдиришмаяпти.

БМТнинг Дарфурдаги миссияси вакилининг огоҳлантиришича, агар томонлар бир келишувга эришмаса, икки миллион аҳолининг ҳаёти янада ёмонлашиши мумкин.

Ҳар ишнинг сўроғи бор

АҚШ ҳукумати вакиллари БМТнинг зўравонликларни ўрганиш махсус қўмитасига сўнгги олти йил мобайнида амалга оширилган қийноқлар юзасидан бериладиган саволларга жавоб беришади. Женевада бўлиб ўтадиган мазкур йиғилишда АҚШ Давлат департаменти, Мудофаа, Адлия ва Ички хавфсизлик вазирликлари раҳбарларидан иборат ўттиз нафар расмий шахс қатнашиши кутилаяпти.

Улар Шарқий Европа давлатларидаги Америка махсус хизматлари ташкил этган махфий қамоқхоналар, шунингдек, Жорж Буш маъмуриятининг юқори лавозимли вакиллари томонидан маҳбусларни қийноққа солиш юзасидан берилган кўрсатмалар ҳақидаги турли маълумотларга ойдинлик киритишади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ

қуйидаги кафедралар бўйича янги лавозимларга танлов эълон қилади:

1. ***Профессор лавозимига:*** *махсус фортепиано (1), жўрнавозлик маҳорати (1).*
2. ***Доцент лавозимига:*** *бастакорлик ва чолғулаштириш (1), торли чолғулар (1), халқ чолғулари (1), умумий фортепиано (1), концертмейстерлик маҳорати (1).*
3. ***Катта ўқитувчи:*** *эстрада ижрочилиги (2), махсус фортепиано (1), бастакорлик ва чолғулаштириш (1), жисмоний тарбия (1), халқ чолғулари (3), мусиқий педагогика (1), ижтимоий-сиёсий (1), тиллар (1), анъанавий ижрочилик (2).*
4. ***Ўқитувчи:*** *мусиқий овоз режиссёрлиги ва информатика (2), анъанавий ижрочилик (2), умумий фортепиано (1), тиллар (1).*

Ҳужжатлар эълон чоп этилган кундан бошлаб 1 ой муддатда қабул қилинади.

Манзил: 700027, Тошкент шаҳри, Ботир Зокиров кўчаси, 1-уй, ходимлар бўлими. Телефонлар: 144-94-51, 144-95-09.

ОЛАМ НАФАСИ

Янгиликлар, воқеалар, далиллар

Янги ҳукумат қасамёд қабул қилди

Исроилда Эҳуд Ольмерт бошчилигида тузилган янги коалицион ҳукумат қасамёд қабул қилди. Хабарингиз бор, парламент сайловларида «Кадима» партияси кўп овоз тўплаб, ғалаба қозонганди. Янги коалиция таркибига Меҳнат, Пенсионерлар ҳамда ШАС партиялари кирган эди. Бироқ, янги бош вазирнинг Иордан дарёсининг Ғарбий қирғоғини ишғол этиб туриш борасидаги таклифидан кейин ШАС партияси ҳукумат таркибидан чиқишини билдирган.

Бош вазирлик курсисини эгаллаган Эҳуд Ольмерт сўнгги тўрт йил давомида Исроилнинг доимий чегараси белгиланишини таъкидламоқда.

Фармон маъқулланмоқда

Ўтган ҳафта якунида Боливия президенти Эво Моралес мамлакатдаги нефть ва газ конлари ҳамда бу соҳадаги барча мулкларни давлат ҳисобига ўтказиш тўғрисида фармон чиқарганди. Лотин Америкасидаги бир қатор давлатлар бу нефть ва газ нархи ошиб кетишига сабаб бўлиши мумкин, деб тахмин қилишаётганди. Кеча Аргентина ва Бразилия президентлари Эво Моралеснинг мазкур қарорини қўллаб-қувватлашларини билдиришди. Бироқ нархлар бўйича Боливия ҳукумати билан музокараларни давом эттиришларини таъкидлашган.

Мамлакатдаги конларга эгалик қилиб келган хорижий компаниялар ушбу фармонга бўйсунишмаса, Боливияни тарк этишга мажбур эканлиги кўрсатилган.

Айтиб ўтиш жоизки, Боливия конларидан қазиб олинаётган газ ва нефтнинг асосий қисми АҚШ, Аргентина ва Бразилияга экспорт қилинади.

БМВнинг рекорди

Германиянинг БМВ автомобиль ишлаб чиқарувчи концерни автомобиль сотиш ва фойда кўришда рекорд натижага эришди. Концернда жорий йилнинг биринчи чорагида 332923 дона машина ишлаб чиқарилади. Бу ўтган йил шу даврига нисбатан 12 фоиз кўп демакдир. Ялпи даромад 1,3 млрд. еврони ташкил этган.

Йил охиригача БМВ даромади 4 миллиард долларгача ўсиши тахмин қилинмоқда.

Қидирув давом этмоқда

Россия Федерацияси ва Арманистон президентлари қўшма қарорига мувофиқ шу йилнинг 5 май куни икки мамлакатда мотам куни деб эълон қилинди. Эслатиб ўтамиз, А-320 йўловчи самолёти Қора денгизга қулаши оқибатида 113 нафар Россия ва Арманистон фуқаролари ҳалок бўлишган эди.

Мотам куни муносабати билан икки мамлакатда ҳам барча тадбирлар тўхтатилди, ҳатто умуммиллий телеканалларда ҳам кўнгилочар дастурлар, концертлар намойиш этилмади. Ҳозирда қидирув-қутқарув гуруҳи нобуд бўлганлар жасадларини топиш бўйича амалиётларни давом эттирмоқдалар. Сўнгги маълумотларга қараганда, 26 йўловчининг жасади Сочидан Ереванга келтирилди.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Эслатиб ўтамиз, бир қатор инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи халқаро ташкилотлар расмий Вашингтонни Гуантанамо ва «Абу-Грейб» қамоқхоналарида маҳбусларнинг айблов эълон қилинмасдан узоқ муддат сақлаб турилишида ва уларга адвокатлар ёллашга рухсат бермаганликда айблаб келмоқда. Улар Оқ уйнинг бундай йўл тутишини инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенциянинг қўпол тарзда бузилиши дея изоҳлашаяпти.

Миллий ҳамда чет эл валютасидаги барча банк хизматлари Сизнинг муваффақиятингиз учун!

«ПАХТАБАНК» ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР!

«DONG HAI INTERTRADE»

«Dong Hai Intertrade» компанияси

янги хусусий корхона бўлиб, сифатли маҳсулот таклиф қила оладиган қудратли сармоя ва катта обрўга эгадир.

Компания, асосан, барча турдаги ўз маҳсулоти бўлмиш матолар, болалар либослари, турли хил газламалар, кўрпа-ёстиқ буюмларининг улгуржи савдоси билан шуғулланади. Ҳозирги пайтда матолар, болалар кийими ва бошқа тайёр маҳсулотларнинг 10 мингдан ортиқ намуналари мавжуд.

Шунингдек, компания зарур технологик жиҳозлар: тўқимачилик, тикув, каштачилик ва бошқа жиҳозларни танлашда сизларга кўмак бера олади. Хилма-хил матолар ва болалар либослари билан танишиш учун ҳамда узоқ муддатли ҳамкорлик масалаларини муҳокама қилишга барчангизни кўргазма залимизга таклиф этамиз!

Манзил: 100096, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чилонзор мавзеси, 7-даха, Мукимий кўчаси, 25-«А» уй. Мўлжал — Оқтепа майдони. Телефонлар: +998-71-173-04-83, 173-05-74, 173-10-78. Факс: +998-71-173-04-22. E-mail: donghai@buzton.com

Ўзбекистоннинг молияга доир ёрдамчи тармоқларини, мамлакатнинг банк тизимини такомиллаштириш биз учун биринчи навбатдаги вазифадир.

Ислом КАРИМОВ.

«ҲАМКОРБАНК»:

МИЖОЗ – БУ ТАЯНЧ НУҚТАСИ

«Ҳамкорбанк»ни тадбиркорлик йўналишидаги эзгу бир ниятнинг меваси, десак муболаға бўлмас. Банк ташкил топгандаёқ, мижозлар муаммоларини, талабларини ўрганиш, ишни шу асосда ташкил этиш бу жамоанинг бош мақсади этиб белгиланди. Бу борада дунёдаги етук банклар тажрибасини амалиётда қўллаш дастуриламал қилиб олинди. Қўшни банклар мижозлар учун ўз эшикларини тушликдан кейин ёпиб қўйган бир пайтда «Ҳамкорбанк» (собиқ «Андижонбанк»)да уларга хушмуомалалик, эътибор қаратилиб, ҳурмати жойига қўйилди. Ана шундай муносабатлардан кўнгли тўлган, ишлари муаммосиз, вақтида битган мижозларнинг ўз мамнунлигини бошқаларга етказиши эса жонли реклама сифатида банк учун хизмат қилди. Шундан жамоа «Бор қиладиган ҳам, йўқ қиладиган ҳам мижоз» деган хулосага келди. «Мижоз — ҳамиша ҳақ» сўзлари кундалик шиорга айланди. Банк кенгайиб ва ривожланиб боргани нафақат вилоят марказида, балки туманлар ва чекка қишлоқларда ҳам янги қўшимча шохобчаларни очиш заруратини келтириб чиқарди. Натижада дастлабки стратегик режа асосида 1992 йили энг кўп мижозлар оқими мавжуд бўлган Пахтаобод ва Шаҳрихон туманларида унинг мини банклари ташкил этилди. Бугунги кунда эса ана шу мини банклар базасида вужудга келган филиаллар мижозларга беминнат банк хизматини кўрсатмоқда.

Шу тариқа 1991 йил 1 сентябрда, яъни Истиқлол билан бир пайтда туғилган ушбу банк республика миқёсига чиқиб, Ўзбекистонда ўрта банкларнинг олдинги қаторларидан жой олди. Бунда республикамиз Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг банк тизимини ривожлантириш борасидаги бир қатор фармонлари ва қарорлари муҳим аҳамият касб этди, албатта.

2005 йилнинг декабрь ойида эса банкда СВИФТ тизими ишга туширилиб, ўтказмалар тезкорлиги ва ишончлилиги муаммолари ҳал қилинди.

... Тошкентдан Фарғона водийсига Қамчиқ довонидан тушиб борар экансиз, «Ҳамкорбанк»нинг белгиси туширилган «Хуш келибсиз, олтин водийга» ёзувли панно эътиборингизни жалб этади. Бундай суратли рекламани водийнинг кўплаб нуқталарида ҳам учратасиз. Хўш, «Ҳамкорбанк» ишончли ҳамкор эканлигини нималарда кўриш мумкин?

Бозор иқтисодиёти шароити банклар олдига ҳам жиддий синовларни қўймоқда. Банклараро рақобат курашида ғолиб чиқиш учун мижозларга сифатли хизмат кўрсатиш, уларнинг муаммолари билан яшаш, улар учун барча зарур шароитларни мухайёё қилиш, хизмат кўрсатишни ташкил этишда ўзига хос иш услуб ва маданиятга эга бўлиш тақозо этилмоқда.

«Ҳамкорбанк» томонидан бугунги кунда 30 дан ортиқ анъанавий ва замонавий банк хизматлари кўрсатилмоқда. Миллий ва чет эл валютасида кредитлар бериш, лизинг амалиётлари, экспорт-импорт ва бартер шартномаларини рўйхатга олиш ва ҳисобини юритиш, қимматли қоғозлар билан боғлиқ амалиётлар, сўмларда ва хорижий валюталарда депозит амалиётлари шулар жумласидандир. Мижозлар учун қулайлик яратиш мақсадида банк тизимида «Банк-мижоз», «Овозли ахборот тизими» ҳамда «SMS-BANKING» дастури ҳам кенг қўлланилмоқда.

Банк хизматига мижозлар муносабатлари, уларнинг такдиф ва мулоҳазаларини доимий ўрганиб бориш муҳим аҳамиятга эга. Шу мақсадда ҳар бир филиалда мижозлар учун таклиф ва мулоҳазалар қутичалари ташкил этилган.

Банкнинг 22 филиали ва 43 та мини банки эса республикамизнинг турли вилоят ва шаҳарларида мижозларга қулайлик яратиш ва улар эҳтиёжини қондириш йўлида банк хизматларини кўрсатиб келмоқда.

2000 йилдан бошлаб банк Халқаро Тикланиш ва тараққиёт банки, Халқаро молия корпорацияси, Европа Тикланиш ва тараққиёт банклари каби халқаро молия ташкилотлари билан кичик ва ўрта бизнесни молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича ҳамкорлик қилаётир.

Жумладан, Европа Тикланиш ва тараққиёт банки томонидан Ўзбекистонда микрокредитлаш дастурини ривожлантириш мақсадида олиб борилган пилот дастури «Ҳамкорбанк»да муваффақиятли амалга оширилгач, 2002 йилнинг 2 сентябрида ушбу лойиҳани янада ривожлантириш учун у «Ҳамкорбанк»ка 2 млн. АҚШ доллари ажратиши тўғрисида шартнома имзоланди. 2004 йил 1 январь ҳолатига кўра, банк томонидан ўзлаштирилган 1250 минг АҚШ доллари қарийб 1000 дан ортиқ кичик ва ўрта бизнес ва тадбиркорлик субъектларига микрокредит сифатида берилди. Ҳозирда эса ушбу халқаро ташкилот билан 3-кредит битими имзоланган.

Микрокредитлаш дастурини амалга оширишда Германиянинг «LFC financial system» фирмаси (Германия)нинг мутахассислари ҳам яқиндан ёрдам кўрсатмоқда. Хорижлик мутахассислар томонидан лойиҳаларни излаб топиш ва уларни таҳлил қилишда техник ва методологик амалий кўмак берилмоқда.

Жаҳон банки эса ўзининг «Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги корхоналарини ривожлантириш дастури» асосида танлаб олинган туманларни молиялаш учун «Ҳамкорбанк»ка 300 минг АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратган эди. 2003 йил давомида ушбу лойиҳа бўйича 48 та қишлоқ хўжалиги корхоналарига жами 220 минг АҚШ доллари миқдорида кредитлар берилди.

Шунингдек, «Ҳамкорбанк» 2001-2002 йиллар мобайнида Халқаро Тикланиш ва тараққиёт банкининг «Ўзбекистон Республикаси молия соҳасини институционал ривожлантириш» лойиҳасида қатнашиб, консультантлар томонидан «Кредит таваккалчилиги» ҳамда «Бизнес режа ва стратегик режалаштириш» йўналишлари бўйича техникавий ёрдам олди.

«Ҳамкорбанк»нинг ривожланиш стратегиясига кўра, замонавий ва ноанъанавий хизматлар билан бир қаторда кенг аҳоли қатламига чакана хизматларнинг янги турларини мунтазам таклиф қилиш масаласи ҳам эътиборда турибди. Хусусан, аҳолининг иқтисодий томондан қийинчиликларини бартараф қилиш мақсадида, банк томонидан пластик карточкалар орқали деярли барча тўловлар амалга оширилмоқда, уларнинг маблағларини омонатларга қўйиш орқали қўшимча даромад бермоқда, турмуш даражасини кўтариш учун уй-жиҳозлари, автомобилларни истеъмол кредити кўринишида таклиф қилмоқда.

Ўз филиаллари мавжуд бўлган вилоятларда эса «Ҳамкорбанк» пул ўтказмаларини амалга оширувчи, яъни аҳолига хорижий валюта кўринишида чет давлатлардан жўнатилган пул ўтказмаларини тўловчи донор банк ҳисобланади. Банкнинг ютуғи шундан иборатки, ҳар қандай шароитдан қатъи назар, валютага бўлган эҳтиёжнинг тўхтовсизлиги таъминланмоқда, бир вақтнинг ўзида 5 турдаги пул ўтказмаларининг ишлаши йўлга қўйилмоқда. Бунда барча филиаллар ва мини банкларда «Вестерн Юнион», «Анелик», «Контакт», «Тезкор почта» ва «Юнистувчига» номли омонатлар жорий этилди. Айни чоғда, «Ҳамкорбанк» валюта омонатларини қабул қилишда ҳам республика миқёсида энг юқори фоиз тўловларини «Универсал» ва «Тақдим этувчига» омонатлари орқали таклиф этиб, аҳоли қўлидаги валютани иқтисодиётга йўналтиришга ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Аҳолининг истеъмол товарларига бўлган талабини қондириш мақсадида эса, банк ўзининг кредит сиёсатида истеъмол кредитига алоҳида эътибор қаратмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 сентябрдаги «Пластик карточкалар орқали ҳисоб-китобларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 445-сонли қарорига кўра, банкдан ташқари пул маблағларининг оборотини қисқартириш, чакана савдо, коммунал тўловлар ва бошқа хизмат турларидаги тўловларни карточкалар ёрдамида амалга оширишда ҳам «Ҳамкорбанк» фаол иштирок этмоқда. У ўзининг пластик карточкаларини муомалага чиқарган бўлиб, шу орқали барча филиаллари ва мини банкларида мижозлари учун турли тўловлар амалга оширилмоқда ҳамда иш ҳақлари берилмоқда. Республика бўйича банкнинг 100 га яқин терминаллари турли чакана савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларига ўрнатилгани, мижозлар қўлида 9000 га яқин пластик карточкалар ишлаб турганлиги ва ҳар бир ҳолатига кўра, аҳоли омонатларига берилган кўрсатмалар ҳақидаги турли маълумотларга ойдинлик киритишади.

**** Молия бозорида ишончли ҳамкор***
**** Халқаро алоқалар, инвестициялар***
**** Банк чакана хизматлар бозорида***
**** Мижоз нима дейди?***
**** Режа ва ниятлар***

Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 сентябрдаги «Пластик карточкалар орқали ҳисоб-китобларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 445-сонли қарорига кўра, банкдан ташқари пул маблағларининг оборотини қисқартириш, чакана савдо, коммунал тўловлар ва бошқа хизмат турларидаги тўловларни карточкалар ёрдамида амалга оширишда ҳам «Ҳамкорбанк» фаол иштирок этмоқда. У ўзининг пластик карточкаларини муомалага чиқарган бўлиб, шу орқали барча филиаллари ва мини банкларида мижозлари учун турли тўловлар амалга оширилмоқда ҳамда иш ҳақлари берилмоқда. Республика бўйича банкнинг 100 га яқин терминаллари турли чакана савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларига ўрнатилгани, мижозлар қўлида 9000 га яқин пластик карточкалар ишлаб турганлиги ва ҳар бир ҳолатига кўра аҳолидан жами 1506,3 млрд. сўмлик тўловлар қабул қилинди.

Акциядорлик тижорат банки — «Ҳамкорбанк» қимматли қоғозлар бозорида ҳам дилерлик, брокерлик, депозитарий, қимматли қоғозларнинг номинал сақловчиси, эмитентларнинг акциядорлар реестрини юритувчиси сифатида инвестиция ва андеррейтинг хизматлари билан мустаҳкам ўрин эгаллаган. 2006 йил 1 январь ҳолатига кўра, банк акцияларининг 9 та эмиссияси муомалага чиқарилиб, 7 миллиард 500 миллион сўм миқдорида банк акциялари эълон қилинди. Акциядорларга оралиқ дивидендлар йиллик 26 фоиз ҳисобидан тўланиб келинмоқда. Акцияларнинг умумий сони эса 70 миллион дона бўлиб, шундан 63 075 000 донаси эгаси ёзилган имтиёзли акциялардир.

Мижозлар сонининг тобора кўпайиб бориши, ўз навбатида, банкдан уларга қулайлик яратиш, хизмат қилиш услубларини жаҳон андозаларига яқинлаштиришни талаб этмоқда. Шу мақсадда Бухоро ҳамда Термиз шаҳарларида ҳам янги филиаллар ташкил қилинди. Бу филиалларда ҳозирда мижозларга хизмат кўрсатиш, жумладан, кредитлар бериш бўйича талайгина ишлар амалга оширилаётир.

Бухоро вилоятидаги «Комтекс ППОШ» Россия — Ўзбекистон қўшма корхонаси ҳам 2003 йил 3 сентябрдан буён «Ҳамкорбанк»нинг корпоратив мижозларидан ҳисобланади. 2,5 минг тонна қўй жунини қайта ишлаш ва уни экспорт қилишга ихтисослашган мазкур корхонанинг Россия техникалари билан таъминланган цехида 68 нафар ишчи ишлайди. Банкда эса корхонанинг умумий миқдори 1 601 300 АҚШ долларини ташкил этувчи 5 та экспорт контракти рўйхатга олинган. Ана шу контрактлар бўйича ҳозиргача 298 минг АҚШ долларилик экспорт амалга оширилиб, шунча миқдорда чет эл валютаси тушум қилинди. Корхона 2005 йил май ойида ўтказилган тендерда ғолиб чиқиб, бино ва ер майдонларини ҳам қўлга киритган эди. Ушбу бино қайта таъмирланиб, янги цех қурилиши бошлаб юборилди. Россиядан янги дастгоҳлар, Японияда эса тикув машиналари олиб келинди. Келажакда бу жамоа нафақат жунни қайта ишлаш, балки туя жунидан кўрпа-ёстиқлар ишлаб чиқариш, 500 минг АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулотини эса экспорт қилишни режалаштирмоқда.

Сурхондарё вилояти Термиз шаҳридаги «ASSON» меҳмонхонаси маъмурияти ҳам «Ҳамкорбанк»дан бинони таъмирлаш ҳамда жиҳозлаш мақсадида 200 млн. сўм кредит олган эди. Натижада 30 га яқин иш ўрни яратилган. 85 ўринли меҳмонхонада эса мижозлар учун барча қулайликлар яратилиб, замонавий хизмат кўрсатиш йўлга қўйилди.

Банк жамоаси бундан буён ҳам ўз олдига қўйилган вазифаларни изчиллик билан амалга ошириб, экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш мақсадлари учун кредитлар ажратиш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, истеъмол бозорини тўлдириш ҳаракатларига ҳисса қўшаверади, асосий эътиборни халқ хўжалигида тўловларнинг тез, сифатли ва қонуний амалга оширилишини таъминлашга қаратаверади.

Бундан ташқари, «Ҳамкорбанк»нинг кўзлаган мақсадларидан яна бири — бу жаҳондаги етакчи банклар билан кўп йиллик ҳамкорлик натижасида тўпланган илғор тажрибаларни мижозларга етказиш, уларга хизмат кўрсатишни эса жаҳон андозалари даражасига кўтаришдир. Шу ниятда филиал ва мини банклар сони янада кўпайтирилади, банк хизмат турларининг янги кўринишлари жорий этилади. Бу борадаги ишлар аллақачон бошлаб юборилган.

Албатта, белгиланган режаларнинг ижроси кадрларга боғлиқ. Шу боис ходимларнинг ўз устларида доимий ишлашлари учун барча шароитлар яратилган. Банкда кутубхона, ўқув зали ишлаб турибди. Филиаллар ҳам ўзининг мини кутубхоналарига эга. Ҳафтанинг ҳар шанбаси бош банкда ва барча филиалларда «Иқтисодий ўқиш куни» деб эълон қилинган. Бундай ўқишларни юксак даражада ташкил этиш мақсадида машғулотларга олимлар, етук ўқитувчилар, чет эл мутахассислари ҳам таклиф этилмоқда. Шунингдек, қизиқувчилар учун чет тили курслари очилган. Муҳими, бугунги кунда банкда 900 га яқин ходим меҳнат қилмоқда. Улар орасида фан номзодлари, чет элларда ўз билим-тажрибаларини орттирган салоҳиятли мутахассислар бўлиб, бари банк равнақи йўлида ишламоқда.

«Ҳамкорбанк» матбуот хизмати.

Сўнгги пайтларда Халқаро Олимпия қўмитаси асосий эътиборини спортда допинг истеъмолини қаттиқ назорат қилишга қаратган. Эсингизда бўлса, 1999 йил ХОҚ ташаббуси билан Бутунжаҳон допингга қарши кураш агентлиги ташкил этилган эди. Унинг асосий вазифаси спортда допинг истеъмол қилувчиларга қарши курашни янада кучайтиришдан иборат. Охирги Олимпиада мусобақалари тўлиқ Бутунжаҳон допингга қарши кураш кодекси талабларига мос равишда уюштирилди.

Ўзбекистонда Олимпия ҳафталиги бошланди

Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитаси ҳам ХОҚ томонидан амалга оширилаётган бу каби саъй-ҳаракатларни доимо қўллаб-қувватлаб келмоқда. Маълумки, 2003 йили Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитаси Бутунжаҳон допингга қарши кураш кодексига қўшилиш ҳақида келишув имзолади. Жорий йил Республика Маданият ва спорт ишлари вазирлиги спортда допингга қарши кураш Копенгаген декларациясига қўшилди.

Бугун пойтахтимизда Бутунжаҳон допингга қарши кураш агентлиги, Осиё Олимпия кенгаши ва Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитаси ҳамкорлигида Марказий Осиёда спортда допингга қарши кураш дастурларини ривожлантириш масалаларига бағишланган халқаро семинар бошланади. Унда Қозоғистон, Хитой, Қатар, Ҳиндистон, Эрон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон, Мўғулистон, Канада, Япония, Кувайт, БАА ва бошқа кўплаб давлатлардан мутахассислар иштирок этиши кутилмоқда. Халқаро семинарда минтақавий допингга қарши кураш ташкилоти амалга ошираётган лойиҳалар кўриб чиқилади, ташкилот олдида турган асосий вазифалар, уни молиялаштириш манбалари белгилаб олинади.

Хабарингиз бор, жорий йилнинг декабрь ойида Қатар пойтахти Доҳа шаҳрида спорт оламининг нуфузли мусобақаларидан саналган — 15- Осиё ўйинлари бўлиб ўтади. Шу муносабат билан 8-9 май кунлари Тошкентда Осиё Олимпия кенгашининг минтақавий мажлиси ташкиллаштирилади. Анжуманда Осиё Олимпия кенгашининг бош директори Ҳусейн ал-Мусаллам, Бош котиб Рандхир Сингх, Ҳиндистон, Корея, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон ва БАА Миллий Олимпия қўмиталари расмий вакиллари иштирок этади. Семинар ишида Осиё Олимпия кенгаши, Бутунжаҳон допингга қарши кураш агентлиги, Доҳада ўтадиган 15-Осиё ўйинлари, «Чангчун — 2007» 6-қишки Осиё ўйинлари, «Макао — 2007» ёпиқ иншоотларда ўтадиган 2-Осиё ўйинлари ташкилий қўмиталари олиб бораётган ишлар намойиш қилинади.

Яна бир аҳамиятли томони, тадбирда Миллий Олимпия қўмитаси ва Халқаро кураш ассоциацияси билан ҳамкорликда ўзбек курашини Осиё минтақасида янада оммалаштириш масалалари ҳам муҳокама қилинади.

З. ЖОНИБЕКОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Маънавият

«Шарқ зиёкори»дан таралган ёғду

Куни кеча нишонланган китоб байрами андижонликлар кўнглини офтобдай чарақлатиб юборди. Ноширлар келтирган адабиётлар қўлма-қўл бўлиб кетди.

Чунки Марказий Осиёда энг йирик ҳисобланган «Шарқ» нашриёт-матбаа акционерлик компанияси бир қанча китобларни тортиқ этди.

— Компаниямиз, — дейди бош директор Омонулло Юнусов, — «Жаҳон адабиёти дурдоналари», «Аср ошган асарлар», «Болалар адабиёти» сингари қатор туркумлар бўйича ўқишли, сифати аъло адабиётларни чоп этмоқда. Шу йилдан бошлаб жамоамиз русийзабон аҳоли учун «Библиотека школьников» туркуми билан рус адабиларининг сара асарларини босмадан чиқаришни йўлга қўйди. Айни пайтда биз халқимизни маърифат нурларидан баҳраманд этиш билан бирга, мамлакатимизнинг вилоят марказларида «Китоб маркази»ни ташкил этишга киришдик.

— Компания марказ биносини мукаммал таъмирдан чиқаргач, у бутунлай ўзгариб кетди, — дейди мамнунлик билан «Шарқ зиёкори» акциядорлик жамияти Андижон шохобчасининг раҳбари Ўктамжон Исҳоқов. — Ноширлар бизга мингдан ортиқ турдаги 50-60 миллион сўмлик турли адабиётларни келтирдилар. Улар шунчаки китоблар жамламаси эмас, балки илму маърифат инжуларини, ҳаёт сабоғидан дарс берувчи устозлар ўгитини, ҳикматлар дурдонасини келтиргандай бўлдилар.

Суҳбатимизга Андижон туманидаги Храбек қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Расулжон Ортиқов қўр ташлади:

— Адабиётни севаман. Абдулла Орипов, Эркин Воҳидовларнинг кўплаб шеърларини ёд олганман. Бу сингари асарларни бошқаларгаям тортиқ қилай, десам, китоб тополмай хижолатда юрардим. Мана, «Китоб маркази» биздаям очилди. Китобга чанқоқ эдик. Чанқоғимиз босиладиган бўлди.

— Жойларда китоб марказларини очиб бўлгач, республикамизнинг таниқли шоирлари, адиблари, ноширлар билан аҳолининг учрашувларини, суҳбатларини ташкил этмоқчимиз, — дейди яна бир суҳбатдошимиз, компания бош муҳарририяти раҳбари Ахрор Аҳмедов. — Мақсад, халқимиз, айниқса, олис қишлоқларда яшовчи китоб шайдолари ўз адибларининг ижодларидан бахраманд бўлсин.

Шундай. Китоб уйимизнинг тахмонларидан жой олиб, уни безашдан кўра кўпроқ ўқилавериб, саҳифалари варақланавериб, қўлма-қўл бўлишини истаймиз.

Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Азиз ҳамюртлар !

Энг йирик ва нуфузли банклардан бири
АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ
«ПАХТАБАНК»

сизлар учун янги, қулай ва манфаатли
«ЗАМИН»
муддатли
жамғармасини жорий этди.

Омонатнинг сақлаш муддати — 2 (икки) ой бўлиб, йиллик 22 фоиз миқдорида даромад тўланади.

Омонатнинг энг кам миқдори — 100 минг сўм.

Шошилинг, имкониятингизни қўлдан бой берманг. Омонатга маблағлар шу йилнинг 31 майига қадар қабул қилинади.

Омонатга қўйган маблағларингиз «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди» томонидан кафолатланган!

«Пахтабанк» сизнинг келгуси даромадингиз кафилидир!

«ПАХТАБАНК»
ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР!

(Газетанинг навбатдаги сони 10 май, чоршанба куни чиқади)

Бугунги кунда телевидениенинг одамлар онгига таъсир доирасини ҳеч бир восита билан қиёслаб бўлмайди. Эфирга узатилаётган ҳар бир кўрсатув ёки фильм халқ орасида, албатта, маълум муносабат уйғотади. Масалан, ҳозирда телерадиоканалларимизда урф бўлган сериаллар борасида бир-бирини инкор этувчи фикрлар қулоққа чалинади. Айниқса, уларнинг ёш авлод онгига таъсири хусусида кўп гапирилади. Бу ҳақда ёшларнинг ўзлари қандай фикрда?

Сериаллар:
ИБРАТМИ Ё ИЛЛАТ?

Баҳс

Анвар САМАДОВ: *Тасаввур қилинг, оддий ўзбек хонадонида кечки овқат маҳали. Ота-она ўғиллари ва келинлари, бўйи етиб қолган қизию ҳамма нарсага қизиқувчан невараси даврасида яйраб ўтирибди. Шу пайт телевизорда сериал бошланадию, ҳаммани хижолатга қўяди. Атайлаб қилгандай, Мексика фильмлари бир-бирига жуда ўхшаш ва барчаси эрига кўнгилсиз хотиннинг эҳтиросларию ака-укалар ўртасидаги низо, севги дея ниқобланган тийиқсизлигу отаси номаълум болалар ҳақида.*

Ҳеч ўйлаб кўрганмисиз, хориж сериаллари нега айнан шундай мавзуда? Чунки улар кўпсонли Ғарб оммасига мўлжаллаб ишланади. Бугунги Ғарб томошабинини эса ғайриоддий, тўғрироғи, ғайриахлоқий сценарийлар кўпроқ қизиқтиради. Бу сериаллар тижорий мақсадларни кўзлагани боис шу талабга мосланади. Унинг томошабин маънавиятига таъсири ҳақида ортиқча бош қотирилмайди. Афсуски, бу мавзудаги кўплаб телесериаллар бизга ҳам кириб келаяпти.

Шавкат ОРТИҚОВ: Очиғини айтай, телерадиоканалларимиз орқали бериб борилаётган хорижнинг турли мавзудаги сериалларига шахсан бефарқ эмасман. Имкон қадар уларни томоша қилишга ҳаракат қиламан. Айниқса, кейинги вақтларда кореялик киноижодкорлар томонидан тақдим этилаётган фильмларга муносабатим ўзгача. Масалан, нафақат менинг тенгқурларимни, балки кекса ёшдаги томошабинларни ҳам ўзига "боғлаб" қўя олган бир неча сериалларни санаб ўтишим мумкин: "Қиш сонатаси", "Ёз ифори", "Куз эртаги", "Сарой жавоҳири", "Ҳақиқат", "Тақдир ўйини" ва бошқалар шулар жумласидандир. Эндиликда улар қаторига туркиялик ижодкорларнинг ҳам меҳнат маҳсули — "Хонадон", "Ишқ эртаги" ва "Курдлар водийси" қўшилди. Сиз айтгандек, сериал яратишда анча уста бўлиб қолган, томошабинни осонликча жалб қилишнинг ҳадисини олган мексикаликлар ижодига эса талаб бироз сусайди, назаримда. Чунки бугунги томошабин секин-асталик билан бўлса ҳам, Ғарбнинг одоб-ахлоқ меъёрлари Шарқникига тўғри келмаслигини тушуниб етаяпти. Жанубий Корея ҳамда Туркия сериалларининг илиқ кутиб олиниши замирида эса ана шу халқларнинг урф-одати ва тутумлари қайсидир маънода бизга яқинлигидан бўлса, ажаб эмас.

А.С: *Сиз Шарқ сериалларининг илиқ кутиб олинганига эътибор қаратдингиз. Менимча, барча фильмлар ҳам дастлаб шундай қабул қилинади. Телесериалларнинг кеч соат 20 ва 22 оралиғида, яъни ҳамма кўрадиган пайтда эфирга узатилгани боис уларга қизиқиш зўрдек туюлади.*

Назаримда, сериалбозликнинг урчиб кетишига асосий сабаб реклама бозоридир. Негаки, ҳар сонияси фалон пул турадиган реклама роликларини намойиш этиш учун узоқ чўзиладиган телесериал жуда қўл келади. Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида жамоанинг даромад манбаини инкор этиб бўлмайди. Лекин кўпгина сериалларда миллий ва ахлоқий қадриятларимизга номуносиб турмуш тарзи акс этгани, бу ҳам етмагандек, такрор-такрор намойиш қилинишини нима билан изоҳлаш мумкин?

Ш.О: Айнан мисол келтира оласизми?

А.С: *Мексика сериалларини кўя турайлик. Ўша сиз айтган Корея фильмларида ҳам, масалан, оилавий спиртли ичимлик истеъмол қилинган лавҳалар кўп учрайди. Ҳаётга эндигина қадам қўяётган йигитларнинг, ҳатто, қиз болаларнинг уйига маст ҳолда келиши оддий ҳолдек тасвирланган.*

Ш.О: Гапнинг рости, бундай саҳналарни кўрганимда мен ҳам ҳайрон бўлгандим. Лекин одобни одобсиздан ўрган, деган гап ҳам бор. Менимча, томошабиннинг ўзи яхши-ёмонни ажрата билиши керак. Маънавияти юксак киши ҳар бир образни тўғри баҳолай олади. Шундай экан, хавотирга тушишга ҳожат йўқ, назаримда.

"Сарой жавоҳири" сериалини кўрган бўлсангиз, бош қаҳрамон — Тангем мисолида корейс халқининг миллий анъаналари, урф-одати, юксак ахлоқий мезонлари шу қадар маҳорат билан очиб берилганки, ҳар қандай кишининг ҳам ҳаваси келади. Хўш, бизда бундай эмасми? Ҳеч иккиланмай айтиш мумкинки, бизнинг улардан кам жойимиз йўқ аслида. Чунки халқимиз ўзининг буюк ўтмишига эга, асрлар оша сақланиб келаётган анъаналаримиз, урф-одатларимиз эса ҳозир ҳам бизга фахр ҳиссини бера олади. Лекин уни кўрсата олишни ҳам билиш керак-да. Шу жиҳатдан оқсаяпмиз, назаримда.

А.С: *Бу билан нима демоқчисиз?*

Ш.О: Масалан, "Чимилдиқ" спектаклини халқимиз катта қизиқиш билан томоша қилди. У пойтахт ва вилоятлардаги театрларда кўп маротаба намойиш этилди. Шу асосда ишланган бадиий фильм ҳам ўзига яраша эътибор қозонди.

Худди шунингдек, халқ кўнглига яқин, савия жиҳатидан мукаммал телесериалларни ўзимизда ишлаб чиқариш мумкин-ку? Қолаверса, бугун ўзбек томошабини қандай фильмларни кутаётгани ўзимизга кўпроқ аён. Мисол учун, тиб илмининг султони, ватандошимиз Ибн Сино ҳақида ёшлар ҳаммаси ҳам тўлиқ тасаввурга эга эмас. Бу улуғ олимни бутун дунё Авиценна дея бошига кўтаради. Нега режиссёрларимиз бу ҳақдаги кўплаб манбалар асосида таъсирли, ибратли фильмлар яратмайди? Айнан жарроҳлик йўли билан даволаш усулини биринчи бўлиб бизнинг ватандошимиз кашф қилганини кўрсатсак бўлмайдими?

Менимча, ёшларни енгил-елпилик, китоб мутолаа қилмасликда айблаш ёки зерикарли маърузалар ўқиш билан ижобий натижага эришиб бўлмайди. Фикримча, бу борада киноижодкорларимиз кучидан кўпроқ фойдаланиш зарур. Асарларни "жонлантириш" ҳақида бош қотириш лозим. Нафақат ёшлар, балки кекса авлод вакилларининг ҳам айни пайтда сериалларга қизиқишидан фойдаланиб, уларга кимларнинг авлоди эканимизни сингдириш лозим.

А.С: *Айниқса, болалар тез таъсирланишади. Ҳинд халқининг эпослари — "Рамаяна" ва "Маҳобҳорат" намойиш этилганда, "Жаноби Рамга шарафлар бўлсин" дея камон кўтариб ўйнаётган болаларни сиз ҳам кўрган бўлсангиз керак. Ёки ҳар йили Истиқлол байрами арафасида намойиш этиладиган "Шер юрак" фильмини ҳамма севиб томоша қилади. Гарчи бу фильм шотландияликлар ҳақида бўлса-да, унда акс эттирилган халқнинг озодлик йўлидаги курашлари ҳар қандай кишини ҳаяжонга сола олади.*

Сиз айтиб ўтгандек сериаллар ўзимизда ҳам яратилган. Масалан, Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди, Алпомиш ёки Имом Бухорий ҳақидаги фильмларни кўрганмиз. Лекин аксарияти кучли таассурот туғдирмайди. Фақат қаҳрамоннинг таржимаи ҳолию воқеалар кетма-кетлигидан иборат. Кинонинг қизиқарли, таъсирли чиқиши эса, албатта режиссёрларга боғлиқ. Ҳайронман, кўпчилик режиссёрларимиз тарихимизни, буюк аждодларимиз ҳаётини чуқур билишмайдими?

Ш.О: Фикрингизга қўшилмайман. Менимча, бу муаммо рағбат билан боғлиқ. Машҳур киноактёр ва режиссёр Жеки Чан ҳам интервьюларидан бирида айнан шу масалага эътибор қаратган. Унинг фикрича, Ғарб кинокомпаниялари фильм учун маблағни аямаслиги эвазига катта муваффақиятларга эришмоқда. Осиё киноижодкорлари эса тежаймиз деб даромад ҳам тополмайди, томошабинни ҳам жалб этолмайди.

А.С: *Тўғриси, мунозарамиз бошида мен устун келаман деб ўйлагандим. Лекин энди сизнинг мулоҳазаларингизни ҳам ҳурмат қилишим кераклигини тушундим. Шунчалик жон қуйдириб гапирясизки, демак, фикрларингиз асосли эканлигига ишончингиз комил.*

Ш.О: Менимча, энг муҳими, ёшларнинг ўз ҳаётларига бефарқ эмаслиги. Юқоридаги гаплардан сўнг, бошқа тенгдошларимиз ҳам етарли хулосалар чиқаришса, киноижодкорларимиз эса ўзларига нисбатан талабчанликни янада оширсалар, шунинг ўзи иккимиз учун ҳам катта муваффақият.

ДЎСТЛИК ФЕСТИВАЛИ

Оролбўйида ўнлаб миллат ва элат вакиллари истиқомат қилади. Уларнинг миллий марказлари фаолият кўрсатмоқда. Тўрткўл тумани "Калтаминор" овули фуқаролар йиғини ҳудудида ўтказилган дўстлик фестивали ҳам бу ерда аҳил-иноқ ҳаёт кечираётган турли миллат вакиллари ўртасидаги азалий дўстлик ва биродарлик ришталарини янада мустаҳкамлашга бағишланди.

"Дўстлик, тотувлик ва ҳамжиҳатлик" деб номланган мазкур тадбирда сўзга чиққанлар халқлар дўстлигини мустаҳкамлаш, қардош халқлар ўртасидаги маънавий муштаракликни янада ривожлантириш, турли миллатларга хос урф-одат ва анъаналарни қадрлаш, миллий-маданий марказлар фаолиятини янада такомиллаштириш борасида қилинаётган ишлар, фарзандларнинг ўз она тилида таҳсил олиши учун яратилаётган шарт-шароитлар ҳақида тўхталдилар.

Дўстлик байрамида қўшни Беруний ва Элликқалъа туманларидан келган меҳмонлар қатнашди, қардош халқлар тилларидаги қўшиқлар янгради.

А.ОРТИҚБОЕВ,
ЎзА мухбири.

Узбекско-германское СП "Global Consulting Network" совместно с германским международно-признанным Сертификационным органом TÜV NORD Group (RWTÜV) имеет честь предложить

обучение и обмен опытом в Малайзии

TÜV CERT

для руководителей предприятий и представителей руководства по Качеству на учебном курсе по ISO 9001:2000

ISO 9001

"Руководству предприятия о Системе Менеджмента Качества по ISO 9001. Стратегия развития предприятия и управление результативностью процессов СМК". Курс состоится с 5 по 13 июня 2006 г. в г. Куала-Лумпур.

Участники курса посетят 1-2 ведущие компании различных секторов экономики с целью ознакомления с их опытом применения международных стандартов ISO 9001, ISO 14001, OHSAS 18001.

По результатам обучения участникам выдается международный сертификат TÜV NORD Group.

Стоимость обучения — от 1 250 евро. Оплата в сумах по курсу ЦБ РУ.

Для получения подробной информации и заявки на участие в учебном курсе просим обращаться по адресам:

ООО "SERT-MANAGEMENT"
Официальный партнер и представитель TÜV NORD Group и TÜV Academy в Узбекистане
Тел. (99871) 152-76-71,
Тел./факс (99871) 152-18-93.
E-mail: rwtuv-uz@bcc.com.uz,
www.sert-management.uz

Узбекско-германское СП «Global Consulting Network»
Тел./факс (99871) 137-49-94.
E-mail: info@gcn.uz

TÜV NORD

GCN GLOBAL CONSULTING NETWORK

МОНОПОЛИЯДАН ЧИҚАРИШ, РАҚОБАТ ВА ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ ҲУДУДИЙ БОШҚАРМАСИ

ЎЗ БАЛАНСИДА ТУРГАН ЗОМИН ТУМАНИДАГИ «ЎРИКЛИ ЎҚУВ ВА ДАМ ОЛИШ МАСКАНИ»НИ БИРЖА САВДОСИ ОРҚАЛИ СОТАДИ.

Ушбу дам олиш маскани 9 та кемпинг 34 ўринли бўлиб, дам олиш учун барча шароитларга эга.

Мурожаат учун манзил: Жиззах ш., Ш. Рашидов к., 63-уй. Тел.: 226-40-24, 226-40-76.

Тошкент Педиатрия тиббиёт институти жамоаси анестизиология ва реаниматология кафедраси ассистенти Маъмур Толиповга волидаи муҳтарамаси
ЗУҲРА аянинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент архитектура-қурилиш институти жамоаси Шаҳар қурилиши ва хўжалиги кафедраси доценти Жамолиддин Қамбаровга отаси
Саидоқилхон ҚАМБАРОВнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир ўринбосари Ш. ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 757. 28740 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ҳамда Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — А. Ҳайдаров.
Навбатчи — А. Самадов.
Мусаҳҳиҳ — М. Беккулова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — Топширилди — 22.50 123456